

Электр энергиясидан  
фойдаланиш қоидаларига  
2-илова

## Юридик шахс бўлган истеъмолчилар учун электр таъминотининг намунавий шартномаси

2022йил “24” январ

240027-сон

Хонобод шахар

Шартнома асосида фаолият юритувчи

Хонобод шахар худудий Эректор тармоқлари корхонаси АЖ раҳбари  
(худудий электр тармоқлари корхонасининг номи)

Ф.Акболаев \_\_\_\_\_ (кейинги) ўринларда  
(худудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда \_\_\_\_\_ асосида  
фаолият юритувчи Хонобод Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш булими  
(истеъмолчининг номи)

раҳбари Р.Комилжонов

(кейинги ўринларда

(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

“Истеъмолчи” деб аталади), ҳисоб рақами —  иккинчи томондан  
мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома предмети

Ушбу Шартномага мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда “энергия” деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик Шартномавий ҳажми:

Актив 3000 кВт/с., реактив \_\_\_\_\_ кВар/с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича 1350000 сум (тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициент билан (тагига чизилсан) ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган хақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аникланади.

### III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициентли тарифлар (нархни белгилашнинг алоҳида тартиби) асосида амалга оширилади.